

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРЛИБАЕВ ЗАКИР ТЕМИРХАНОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГИДРОМОРФ  
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ СУБИРРИГАЦИЯ УСУЛИДА  
СУҒОРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

**Тошкент–2021**

УЎК: 631.674:633.853.59:631.445.1(043.3)(575.172)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Турлибаев Закир Темирханович**

Қорақалпоғистон Республикасининг гидроморф тупроқлари шароитида  
ғўзани субирригация усулида суғоришнинг самарадорлиги..... 3

**Турлибаев Закир Темирханович**

Эффективность метода субирригации хлопчатника в условиях  
гидроморфных почв Республики Каракалпакстан..... 21

**Turlibaev Zakir Temirhanovich**

The effectiveness of the method of cotton subirrigation in the conditions of  
hydromorphic soils of the Republic of Karakalpakstan..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРЛИБАЕВ ЗАКИР ТЕМИРХАНОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ГИДРОМОРФ  
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ СУБИРРИГАЦИЯ УСУЛИДА  
СУҒОРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехкончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.1.PhD/T1493 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети бажарилган  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қурбанбаев Ережеп**

техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Икрамов Рахимжон Каримович**

техника фанлари доктори, профессор

**Матякубов Бахтияр Шамуратович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_2021 йил соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй. Тел./факс: (+99871) 237-19-61, (+99871) 237-22-09; факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**М.Х.Хамидов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва суғориш сувларини тежаш усулларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Ривожланган давлатларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда қўшимча сув манбаларидан фойдаланиш орқали дарё сувларини иктисод қилиш, экинлардан олинаётган ҳосилнинг кўпайиши имкониятини берадиган технологиялар ва суғориш тадбирларини амалиётга кенг жорий этишни тақоза этади. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги экинларни суғоришда асосий сув манбасига қўшимча равишда минерализацияси паст бўлган коллектор-зовур сувлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ташлама сувларидан самарали фойдаланишда субирригация усулини қўллаш учун сув тежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, гидроморф тупроқлари шароитида сув танқислигини юмшатиш учун қишлоқ хўжалиги экинларини субирригация суғориш усулини қўллашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришга алоҳида этибор берилмоқда.

Республикамызда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив режимларни бошқариш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги ва ишончилигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, қишлоқ хўжалиги экиналарини суғоришда коллектор-зовур тизимларининг хавфсиз ва ишончли ишлаш усулларини такомиллаштиришга, кейинги йилларда сув танқислиги ошиб бораётган шароитда қўшимча сув манбаларини излаб топишга йўналтирилган илмий изланишларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» фармонлари, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

«2018-2019 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини белгилашда суғориладиган ҳудудлар гидромодуль, тупроқ-мелиоратив, гидрогеологик-мелиоратив ва инженер-мелиоратив районлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича В.А.Ковда, Н.Ф.Беспалов, В.А.Духовный, М.М.Крилов, Д.И.Кац, А.Г.Владимиров, В.М.Легостаев, А.А.Рачинский, Н.М.Решеткина, В.И.Бобченко, Х.И.Якубов, М.Х.Хамидов, Е.Қурбанбаев ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган бўлиб, маълум даражада ижобий натижаларга эришилган. Тупроқ шўрланишининг назарий ва амалий таҳлиллар В.В.Егоров, С.Ф.Аверьянов, Ф.М.Рахимбаев, А.Р.Рамазанов ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг минерализациясини суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш бўйича Қ.М.Мирзажонов, Н.Ф.Беспалов, Г.А.Ибрагимов, М.Х.Хамидов, К.М.Бейсенбоев, Б.Мамбетназаров, С.Х.Исаев, Б.У.Сувонов, Ж.К.Шадманов, Т.Я.Ражабов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Бугунги кунда Республикамизнинг шимолий ҳудудларининг гидроморф тупроқлари шароитида сизот сувлари сатҳи 2-3 м, минерализацияси 2,0-2,5 г/л бўлган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, субирригация суғориш усулини қўллашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 120/12 ИКХ-2015-5-37-сон «Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ер ости сувлари сатҳини икки томонлама бошқаришни ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2015-2017) мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Республикамизнинг шимолий ҳудудлари ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида сув танқислигини юмшатиш учун ғўзани субирригация усули билан суғориш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўтлоқи-алювиал тупроқлар шароитида коллектор-зовур сувлари ва экин майдонларининг бугунги кунги ҳолатини аниқлаш;

сизот сувлари сатҳи 2-3 м, минерализацияси 2,0-2,5 г/л бўлган гидроморф тупроқлар шароитида ғўзани субиригация суғориш технологиясини такомиллаштириш;

ғўзани субиригация суғориш усулида суғоришнинг тупроқнинг агрофизикавий ва сув-физик ҳоссаларига таъсирини аниқлаш;

ғўзани субиригация суғориш технологиясининг тупроқнинг шўрланиш типи, даражаси ва сизот сувлар сатҳининг жойлашиш динамикаси ҳамда минераллашганлик даражасига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ички зовурлар, ғўзанинг С-4727 нави, суғориладиган ерларнинг мелиоратив режими ва субиригация суғориш технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ғўзани субиригация суғориш технологиясининг тупроқнинг агрофизикавий ва сув-физик ҳоссаларига, тупроқнинг шўрланиш типи, даражаси ва сизот сувлар сатҳининг жойлашиш динамикаси, минераллашганлик даражасига ҳамда ғўзанинг С-4727 навини ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилган. Тадқиқотларда «Методика проведения опытов с хлопчатником», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ 2007 йил) услубий қўлланмаларидаги услубларидан фойдаланилган. Тупроқнинг механик таркиби Н.А.Качинский усули бўйича ва сув ўтказувчанлиги С.В.Нестеров услуги ёрдамида ўрганилган, суғориш меъёрлари С.А.Рыжов формуласи орқали ҳисобланиб, ҳосилдорлик бўйича маълумотларнинг статистик таҳлили WinQSB-2,0 ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор, шимолий худуднинг ўтлоқи-алювиал, механик таркиби ўрта кумоқ тупроқлари шароитида зовур сувларининг минерализациясини ҳисобга олган ҳолда ғўзани субиригация суғориш технологияси такомиллаштирилган;

субиригация суғориш усули сизот сувлар сатҳи 2-3 м ва минерализацияси 2,0-2,5 г/л бўлган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида ғўзанинг сувга бўлган суғориш муддатлари, сони, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрлари аниқланган;

ғўзани субиригация усулида суғоришда ерларнинг мелиоратив ҳолати, сизот сувлар сатҳи ва минераллашганлик даражасининг ўзгариши ҳамда тупроқнинг сув-физикавий ҳоссалари асосида тупроқнинг усимлик қатламида намликни узоқ вақт сақлаб туриш усули ишлаб чиқилган;

субирригация суғориш усули асосида минерализацияси кам бўлган зовур сувларини тўсиш орқали ғўзанинг илдиз қатламидаги тупроқ намлигининг узоқ вақт сақлаб туриш режими аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** кўйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида субирригация суғориш усули қўлланилганда тупроқнинг фаол (ғўзанинг 90% илдизи жойлашган) қатламини сизот сувлари ҳисобига намлантириш учун зовурдаги сув сатхи ва зовурнинг сув сарфи режими ишлаб чиқилган;

минерализацияси 2,0-2,5 г/л бўлган зовур сувларидан кўшимча сув манбаси сифатида суғорма дехқончиликда фойдаланилганда ғўзани ҳосилдорлиги 4,7-5,2 ц/га ошишига ва суғориш сувларини 22-25% га иқтисод қилишга ҳамда атроф муҳитни ифлосланишининг олдини олишга эришилган;

ғўзани суғоришда субирригация усулини қўллаш натижасида ғўза майдонларида оддий эгат орқали суғорилганга нисбатан ғўза қатор орасига ишлов бериш сонининг қисқариши ҳисобига тупроқнинг агрофизикавий ва сув-физик хоссаларининг яхшиланиши, суғориш сувлари тежалиши, пахтадан юқори ва сифатли ҳосили олиниши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги субирригация суғориш усулини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар натижалари билан идентификацияланиши, дала ва лаборатория тажрибалари маълумотларига статистик ишлов бериш, назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мос келиши, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Қорақалпоғистон Республикасининг гидроморф тупроқлари шароитида ғўзани субирригация суғориш технологияси такомиллаштирилганлиги ва унинг параметрлари ишлаб чиқилганлиги, биоиклим ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ғўзанинг суғориш меъёри аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минерализацияси 2,0-2,5 г/л бўлган зовур сувларидан кўшимча сув манбаси сифатида улардан самарали фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқилиши, сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатиш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, келгусида аналог (ўхшаш) объектларни лойиҳалаш имконияти яратилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида ғўзани субирригация суғориш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

тупроқнинг фаол қатламида тупроқ намлигини таъминлашда зовур сувларини сунъий тўсиш орқали субирригация суғориш усули Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасаруффидаги Қорақалпоғистон Мелиоратив экспедициясига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил



22 октябрь 02/02-3-354-сон маълумотномаси). Натижада тупроқнинг фаол қатламида намликнинг узок вақт сақланиш имконияти яратилган;

ўтлоқи-алювиал тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларини субиригация суғориш усули Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасаруффидаги Суенли ирригация тизимлари бошқармасида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 22 октябрь 02/02-3-354-сон маълумотномаси). Натижада ғўзани субиригация суғориш усулида етиштирилганда 850-900 м<sup>3</sup>/га сув иқтисод қилинишига, тупроқнинг шўрланиш 0,038 % га, мавсумий туз тўпланиш коэффициентини 0,18 га камайишига, пахтадан олинадиган ҳосил 4,5-5,7 ц/га ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва уларнинг амалий аҳамияти очиқ берилган, шунингдек, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи бобда ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш учун кўрсаткичларни танлаш масалалари кўриб чиқилган, жумладан, ернинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини белгилашда суғориладиган ҳудудлар гидромодуль, тупроқ-мелиоратив, гидрогеологик-мелиоратив ва инженер-мелиоратив туманлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб муаллифларнинг изланишлари ўрганилган ва таҳлил қилинган ва Қорақалпоғистоннинг ерлари беқарор ноқулай ва жуда ноқулай категорияларга тегишлилиги, қуриладиган суғориладиган ерлар шароитини яхшилаш учун тупроқнинг сифатини орттириш бўйича чора-тадбирлар

мажмуини ишлаб чиқиш зарурлиги ва биринчи навбатда худуднинг сунъий дренажланишини кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу бобда ер ости сувларининг режими ва минерализацияси чуқур ўрганилган ва кўп йиллик маълумотлар таҳлил қилинган. Дренаж сувлари ва уларнинг суғориладиган ерларнинг сув-туз балансига йўналтирилиши бўйича тадқиқотларида суғориш режимини лойиҳалаш ва дренажни ҳисоблаш учун суғориладиган ерларда мелиоратив режимлар параметрларини оптималлаштириш, умумий сув балансидан ва аэрация зонаси ва ер ости сувларининг сийрак балансларидан фойдаланиш тавсия қилинган. Тупроқнинг шўрланиш динамикаси, ҳосилдорлик, Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерларида оптимал мелиоратив режимни танлаш бўйича тавсиялар кўриб чиқилган, жумладан, тупроқ турига қараб ер ости сувларининг критик жойлашиш сатҳи ва бошқа мелиоратив объектларни лойиҳалашдаги асосий критериялар ишлаб чиқилган.

Иқлим мелиоратив-гидрогеологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда ва худуддадаги мавжуд сув танқислигини юмшатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли тумани ва Қўнғирот туманларида кўп омилли дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилган ва ёғзани парваришlashда субиригация суғориш технологияси ишлаб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари, жумладан, мазкур агротадбирлар хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлилида батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, субиригация суғориш усулини қўллашнинг ёғзани суғоришда уларнинг ҳосилдорликларига таъсирининг таҳлилий натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида ёғзани субиригация усули билан суғориш технологиясининг афзалликлари ва ушбу сув тежовчи технологияни такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқлим шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида минтақанинг табиий-хўжалик шароитларининг, жумладан иқлим, экологик, қишлоқ хўжалик шароитларининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиниб, тупроқнинг юқори қатламдаги механик таркибнинг ўта ҳилма ҳиллиги ва унинг паст фильтрацион хусусиятлари муҳандислик ечимларни, яъни суғоришнинг техникаси ва технологиясининг оптимал вариантларини, суғориш ва дренаж тизимларини танлашга баҳо берилган.

Амударёнинг қўйи қирғоқларида жойлашган Қорақалпоғистон худуди табиий иқлим шароити Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларидан жиддий тафовутланади. Бинобарин, Амударё қўйи қирғоқларида об-ҳаво кескин континентал, куруқ. Унда ёз мавсуми кундалик ҳарорати доим ҳаво очик бўлишига олиб келади. Минтақада қиш мавсуми Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан анчайин салқин кечади. Минтақанинг турли худудларида йиллик ёғингарчилик миқдори бир хил эмас: жанубда 80 мм атрофида, шимолда эса йилига 110 мм, аксарият ҳолатда баҳорда ёмғир

ёғади, тупроқ юзасида буғланиш даражаси йиллик ҳажмига нисбатан 12-15 марта ортади.

Об ҳаво йиллик ўртача ҳарорати шимолдан-10,7 °С ва жанубдан - 12 °С ташкил қилади. Совуқ тушмайдиган давр 200-300 кун давом этади, мусбат ҳарорат йиғиндиси эса тахминан 4000 °С атрофида.

Н.Н.Иванов берган маълумотларга кўра, декабрдан март ойига қадар мавсумда намлик даражаси  $K=0,60$ ; апрель ойидан ноябргача  $K=0,29-0,13$  ни ташкил этади, май ойидан ноябргача бўлган муддатда ҳаво ҳарорати  $K=0,12-0,10$  гача тушади.

Бу минтақа худудининг текислиги интенсив шамол эсишига шароит туғдиради. Иқлим шароити ўзгаришлари асосий кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасининг ҳавонинг ҳарорати,  
нисбий намлиги, шамол тезлиги ва ёғингарчиликлар миқдорлари.  
(2014-2018 йилларда “Нукус ” кузатув маркази маълумотлари)**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.Буғланиш даражаси	мм	1200-1300
2.Ёғингарчилик	мм	90-120
3.Ўртача ойлик ҳарорат	°С	10-12
4.Максимал ҳарорат	°С	+45
Минимал ҳарорат	°С	-30

Амударёнинг қўйи қисми аллювиал келиб чиқиши тўртламчи давр қатламлари (чўкиндилари) ривожланиш босқичини эслатувчи, асосий қатлам учламчи даврда юзага келган палеоген моддалар мураккаб мажмуи саналади.

И.В.Рубанов келтирган маълумотлар бўйича, бу қатламлар Амударё жорий ўзанида жойлашган ва тупроқ юзасига Хўжайли, Пўрлитов, Қоратов, Қизилжар текисликлар тарзида чиқади. Палеоген қатламлар Тахтакўпир ва Чимбой туманлари худудларида жойлашган 60-70 метргача қалин лой турида учрайди.

Тупроқ майдонлари устки қатламлари асосан тўртламчи мажмуа аллювиал қатламининг механик таркиби нисбатан кам ўзгаруви билан қатлам комплекси турида қайд қилиниб, уларни 3 турга ажратиш мақсадга мувофиқ:


- ўзан қатлами, майда қум билан қопланган, айрим ҳолларда қиёсан яхши сув ўтказувчанлик касб этадиган қайта қатламланувчи супеслар (қум аралаш тупроқ) билан қопланган;

- ўзанлараро қатлам, дарёлар тошиши ва вақтинча кўллар қатламлари;

- кўллар қатламлари, қум тупроқлар ва қумларнинг қатламланиши билан бўйсиндирилган лойлар(суглинок), лойлар билан йиғилган.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикаси шароитида субиригация усулида суғоришнинг асосий техник ҳолатлари» деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерларида қулай мелиоратив режимни (тартиб) танлов ва сизот

сувларини субиригация усули билан бошқарувни қўллашнинг асосий ҳолатлари ўрганилган. Бунда суғориладиган ерларда субиригацияни қўлланишнинг назарий асослари ёритилган, жумладан, тупроқ намлигини субиригация усули билан бошқариш - бу сув кам йилларда ва сувнинг ўртача таъминоти йилларида дренажларда ва зовурларда тиркагич яратиш йўли билан тупроқнинг сунъий намлигини яратиш. Тупроқнинг қўшимча намлантиришга муҳтожлиги келаётган сув миқдори ва умумий буғланишга унинг сарфланиши ва дренаж тизимига кириши орасидаги тўғри келмаслик билан асосланган. Сизот сувларини сатҳини субиригация усули билан бошқариш, намлантириш услублари самарасиз бўлган ҳолатларда фойдаланилади. Сизот сувлари сатҳини бошқариш қуритишли-намлаш тизимларида фойдаланилади. Уларнинг принципал схемаси оддий тизимлардан фарқ қилади: зовурли тизим қуриқлатиш учун ва бир вақтнинг ўзида сизот сувлари сатҳини бошқариш йўли билан тупроқни намлантириш учун хизмат қилади. Шу каби тизимлар субиригация усули билан бошқариш тизими деб аталади, яъни тупроқ сув режимини субиригация усули билан бошқариш. Сизот сувлари сатҳини бошқариш учун дренаж тизимда тўсиқ қилувчи ускуна талаб этилади. Уларнинг сони майдон бирлигига, дренажнинг нишаблигига, тўсувчи ускунадан олдин ва кейин сув сатҳининг тушиб кетишига ва бошқаларга боғлиқ. Намлантириш жараёнида сизот сувлари оқимининг зовурдан ёки дренаждан ҳаракати ўрнатилмаган характерга эга, унинг натижасида вақт ичида депрессион эгри чизик ўзгаради. Сув берилгандан сўнг муайян вақтдан кейин  $T$  депрессион эгри чизиги стационар ҳолатга мос равишда маълум баландликка етади. Унда сизот сувлари оқимининг ҳаракатланиш йўналиши зовур тарафига ўзгаради. Бу масалани ечиш учун намлагичда  $\Delta h_0$  қийматига сувнинг берилган сатҳидан катталаштиришда депрессион эгри чизигининг стационар ҳолатини аниқлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Сизот сувлари сатҳини бошқаришнинг ҳисоб схемаси

Зовур мавжуд вазиятда (ёки зовурлар тизими) депрессион эгрининг стационар ҳолатининг тенгламаси кўйидаги кўринишда бўлади:

$$y^2 = -\frac{(h^2-h_0^2)x^2}{s^2} + 2\frac{(h^2-h_0^2)x}{s} + h_0^2; \quad (1)$$

Зовурга бир тарафдан бирламчи оқимнинг келиши учун:

$$q = k \left[ \frac{h^2-h_0^2}{s} - \frac{(h^2-h_0^2)x}{s^2} \right]; \quad (2)$$

$x=0$  бўлганда

$$q = \frac{k(h^2-h_0^2)}{s} \quad (3)$$

бу ерда:  $k$  - фильтрация коэффиценти.

Кўпинча сув сатҳи зовурда  $\Delta h_0$  қийматига кўтарилса, унда депрессион эгрини мустақкамлашгандан сўнг сизот сувлари сатҳининг ҳолати зовурлар ўртасида  $\Delta h$  қийматига ўзгаради ва бир марта оқиб келиш қиймати кўйидаги кўринишда бўлади:

$$q = k \left[ \frac{(h-\Delta h)^2 - (h_0 + \Delta h_0)^2}{s} \right] \quad (4)$$

Эгри депрессиянинг мустақкам ҳолатининг келиши билан сизот сувлари оқимининг сарфи кўйидаги кўринишда бўлади:

$$\Delta h^2 + 2h\Delta h - (2h_0\Delta h_0 + \Delta h_0^2) = 0 \quad (5)$$

Бунда  $\Delta h$  ва  $h_0$  қийматларини билган ҳолда,  $\Delta h$  қийматига эга бўламиз:

$$\Delta h = \sqrt{h^2 + 2h_0\Delta h_0 + \Delta h_0^2} - h \quad (6 а)$$

Зовурлар оралиғида сизот сувлари сатҳини пасайтириш учун сув сатҳи пасайганидан сўнг уларда тенглама кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta h = \sqrt{h^2 + 2h_0\Delta h_0 + \Delta h_0^2} + h \quad (6 б)$$

Агар худудда бир катор зовурлар (дрен) мавжуд бўлса, унда намлагичлар ўртасида сизот сувлари сатҳининг стабилланиш вақтини аниқлаш учун (6а) формуласи фойдаланилади. Намлагичларнинг оралиғидаги сизот сувлари сатҳининг стабил ҳолати  $\Delta h$  ва, улар орасидаги масофани била туриб, намлантиргичлар ўртасида сизот сувлари сатҳининг стабилланиш ( $T$ ) вақтини аниқлаш мумкин:

$$\phi(\eta)_\beta = 1 - \frac{\Delta h}{\Delta h_0} \text{ ва кейинчалик } T = \frac{\beta}{kh_{cp}} \left(\frac{s}{2\eta}\right)^2 + t_0 \quad (7)$$

бу ерда:  $t_0$  - берилган қиймат учун канални сув билан тўлдириш давомийлиги  $\Delta h_0$ , кун;

$h_{cp}$  - сув қатламининг ўртача қалинлиги, м;

$\beta$  - тупрокнинг бўш ғоваклиги.


Бу ҳисоблаш формулаларини сизот сувлари сатҳини субирригация усули билан бошқаришни ҳисоблашда фойдаланиш мумкин.

**Диссертациянинг «Ёўзани субирригация усулида суғориш технологияларини кўллаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани “Гулсахро-Ёўззал” фермер хўжалиги ва Қўнғирот тумани “Хожаш” фермер хўжалиги ерларида ёўзанинг субирригация суғориш усулини кўллашнинг илмий-амалий, дала, ишлаб чиқариш тажрибалар ўтказиш шароити ва натижалари келтирилган.

Тажриба майдонининг худуди кўл қатламлари зонасида жойлашган бўлиб, фильтрациянинг паст коэффиценти билан характерланади (2,3 расмлар) буён суғориладиган зоналарга тегишли, у тупроқларнинг нисбатан буғланиши ва мелиоратив жихатдан яхши зонаси билан характерланади.




**2-расм. «Гулсахро-Гўззал» фермер хўжалиги тажриба-участкаси схематик плани**




**3-расм. «Хожаш» фермер хўжалиги тажриба-участкаси схематик плани**

Иккала хўжаликнинг асосий йўналиши пахтачилик, шунинг билан бирга донли экинларни ишлаб чиқариш ва қисман полиз экинларини ўстириш билан шуғулланадилар. Муҳокама қилинаётган зона кўп йиллардан



**4-расм. 1 створ қудукларида сизот сувлари сатҳининг тебраниш динамикаси**




**5-расм. 2 створ қудукларида сизот сувлари сатҳининг тебраниш динамикаси**


Тўпланган материалнинг таҳлили, вегетацион давр давомида сизот сувлари сатҳи 3,0 дан 0,75 метр атрофида бўлганлигини кўрсатди. 4, 5-расмларда вегетацион давр ичида сизот сувлари сатҳларининг ўртача ўн кунлик тебранишлари келтириб ўтилган.

Суғориш ишларида ушбу хўжаликларда 7 майдан бошлаб зовурда сув тўсиш иншооти йўли билан сунъий равишда кўтариш ишлари бажарилди. Сув тўсиш иншооти натижасида зовурда ва кузатиш кудукларида сув сатҳининг кўтарилиши кузатилди. 6 ва 7 расмларда кудуклар бўйича сизот сувлари сатҳларининг тебранишлари ва зовурда сув сатҳининг ўзгариши келтирилган.

Бошланғич даврда, асосан сув тўсиш иншооти бошида, сизот сувлари сатҳи зовур таъсирида бўлган, кейин сатҳдан 1,6-1,8 м. дан юқори унинг режими асосан суғориш таъсири остида шаклланган.



**6-расм. 1 створдаги зовур ва сизот сувлари сатҳининг тебраниш динамикаси**



**7-расм. 2 створдаги зовур ва сизот сувлари сатҳининг тебраниш динамикаси**


8 ва 9 расмларда сув тўсиш иншоотига сизот сувлари сатҳларининг пасайиши ва сув тўсиш иншоотидан кейин кўтарилиши катталаштирилган масштабда кўрсатилган. Сув сатҳининг бирмунча интенсив тушиши зовурга яқин жойлашган 1 кудукда кузатилди ва шу билан бирга пасайиш тезлиги ўртача 9,7 см/кун ни ташкил қилди. Зовурдан узоқда жойлашган 3 кудук бўйича бу кўрсаткичнинг қиймати ўртача 4,2 м/кун га етди.

Сув тўсиш иншооти жойидан бирмунча узоқда жойлашган иккинчи створда, сув тўсиш иншооти яратилганда, сизот сувлари сатҳига бирмунча кам таъсир кўрсатди, шундай бўлса ҳам сатҳининг шаклланишида унинг таъсири аниқ кўринди.

Сув тўсиш иншооти жараёнида зовурда ( $\Delta h$  ва  $\Delta h_0$ ) сув сатҳини тиркаш қийматини аниқлаш алоҳида аҳамиятли маънога эга. Ҳисоблаш учун 10 расмда кўрсатилган параметрлар қабул қилинди, параметрларнинг ҳисоблашлари қўйида келтириб ўтилган.




**8-расм. 1 створдаги сув тўсиш иншоотидан олдин ва кейинги сизот сувлари сатҳининг тебраниш графиги**




**9-расм. 2 створдаги сув тўсиш иншоотидан олдин ва кейинги сизот сувлари сатҳининг тебраниш графиги**

Кузатув маълумотлари бўйича сизот сувлари сатҳларининг эгри турғунлик ҳолатлари тузилди (11 ва 12-расм) ва улар бўйича зовурга сувнинг оқиб келиш қийматлари аниқланди. Сизот сувларига боғлиқ ҳолда эгри турғунлик ҳолати ўзгарди.  $h$  ва  $h_0$  қийматлари ҳар хил бўлганида зовурга сувнинг оқиб келиш қийматлари бўйича олинган маълумотлар асосида ишланган.




**10-расм. «Гулсахро-Гўззал» фермер хўжалиги тажриба участкасида сув тўсиш иншооти параметрларини аниқлаш учун ҳисоблаш схемаси**



**11-расм. 1 створ бўйича зовурга сувнинг оқиб келишининг эгри турғунлик ҳолати («Гулсахро-Гўззал» фермер хўжалиги)**







**12-расм. 2 створ бўйича зовурга сувнинг оқиб келишининг эгри турғунлик ҳолати («Гулсахро-Гўззал» фермер хўжалиги)**

Профиль бўйича намликнинг кўтарилиши вегетация давридан сўнг белгиланади, яъни сентябрь ойида ва профиль бўйича 150 см чуқурликка тўлиқ тўйиниш қийматига яқинлашади. Сизот сувлари сатҳи катта чуқурликка тушганда (сув тўсиш иншоотини ўтказгунча), яъни 7 майда намликнинг энг минимал қийматлари кузатилди. Тупроқнинг устки қатламида биринчи суғоришдан олдин намликнинг пасайиши кузатилди.

Вақт ва чуқурлик бўйича намликнинг ўзгаришларини аниқ кўрсатиш учун 1,5 метр чуқурликгача намликнинг изоплеталари тузилди (13, 14 расм).



**13-расм. 1 створдаги, 1 нуқтанинг намлик изоплеталари**



**14-расм. 1 створдаги, 2 нуқтанинг намлик изоплеталари**

13,14 расм ва зовурнинг интенсив таъсир этиш зонасида жойлашган ств-I кудуқ 1, 2 маълумотларидан кўришиб турганидек, сув тўсиш иншоотини

Ўтказишдан олдин тупроқнинг намлиги кескин тушиб кетди ва устки 0,60 м қатламда намлик 6-8% гача тушди. Створ-I қудуқ-3 1 ва створ-II қудуқ-3 алоҳида нуқталарида намлик бирмунча юқори бўлди.

Дала тажрибалари маълумотлари бўйича намликни тўлиқ сингдириш қиймати аниқланди, у 49%, тўлиқ тўйиниш қиймати бўлса 23%, сўлиш намлиги қиймати 14%. Ҳақиқий намлик ва тўлиқ тўйиниш қийматларини бир-бирига солиштириш йўли билан, шу билан бирга сўлиш намлигини ҳам, тўлиқ тўйинишдан ва СН дан изоплета карталари тузилди (13,14-расм).

13,14-расмдаги маълумотларидан кўриниб турибдики, намликнинг ҳақиқий қийматлари аксарият вазиятларда тўлиқ тўйиниш натижаларига нисбатан паст. Фақат суғоришдан сўнг тўлиқ тўйиниш га тенглашиши ёки ортиши бошланди (50-60 см чуқурликдан бошлаб).

1) Тажриба майдончасида олинган натижаларига кўра, пахтанинг ишлаб чиқариш ва тавсия қилинаётган суғориш меъёрлари келтирилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Суғориш меъёрлари бўйича тавсиялар

№	Вариантлар	Йиллар бўйича сизот сувлари сатҳи, м			Суғориш сони			Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га		
		2015	2016	2017	2015	2016	2017	2015	2016	2017
Хўжайли тумани «Гулсахро-Гўззал» фермер хўжалиги										
1	Назорат	2,4	2,4	2,3	5	5	5	4969	4870	4920
2	Субирригация	1,9	1,8	1,8	4	4	4	3840	4635	3865
	Фарқи	0,5	0,6	0,5	1	1	1	1129	935	1055
Кўнғирот тумани «Хожаш» фермер хўжалиги										
1	Назорат	2,4	2,3	2,4	5	5	5	5064	4982	4963
2	Субирригация	1,9	1,9	1,8	4	4	4	3885	3980	3882
	Фарқи	0,5	0,4	0,6	1	1	1	1179	1002	1081

Ушбу усулни ишлатишда, яъни зовурда сув тўсиш иншооти ёрдамида унинг сатҳини кўтариш ҳисобига мавсумий суғоришда сувни тежаш кўрсаткичи биринчи тажриба майдонида 935-1129 м<sup>3</sup>/га ва иккинчи тажриба майдонида жами 1002-1179 м<sup>3</sup>/га ташкил қилди.

Тажриба майдонларида олинган пахтанинг ҳосилдорлиги бўйича кўрсаткичлар келтирилди (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Пахта ҳосилдорлиги кўрсаткичлари

№	Вариант номи	Ҳосилдорлик, ц/га		
		2015	2016	2017
Хўжайли тумани «Гулсахро-Гўззал» фермер хўжалиги				
1	Назоратда	34,8	33,2	34,9
2	Субирригация	39,3	38,7	39,6
	Фарқи	4,5	5,5	4,7
Кўнғирот тумани «Хожаш» фермер хўжалиги				
1	Назоратда	32,7	33,5	33,6
2	Субирригация	38,3	39,2	38,8
	Фарқи	5,6	5,7	5,2

Кўриниб турганидек пахта ҳосилдорлигининг тўпроқнинг юқори қисмида оптимал намликга эришилиши, ҳисобига эришилди.

## ХУЛОСАЛАР

**“Қорақалпоғистон Республикасининг гидроморф тупроқлари шароитида ғўзани субиригация усулида суғоришнинг самарадорлиги”** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг гидроморф, ўтлоқи аллювиал тупроқлари ҳамда сизот сувлари сатҳи 2-3 м ва минерализацияси 2,0-2,5 г/л бўлган шароитда сув танқислигини юмшатиш мақсадида ғўзани субиригация усулида суғориш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технологияга биноан:

- сув сарфи 1,5-2,0 м<sup>3</sup>/с гача бўлган бошқарувчи, йиғувчи зовурларда ва ички хўжалик коллекторларда қўллаш;

- ғўзани суғоришда май ойининг биринчи ўн кунлигида зовурни тўсиш ва август ойининг иккинчи ўн кунлигида очиб юбориш;

сув тўсиш иншооти ёрдамида зовур қирғоқларини ювилиб кетмаслигини таъминлаш учун зовурда сув сатҳини кўтариш тезлиги 5-8 см/соат ва тушириш тезлиги 3-5 см/соат дан ошмаслигини таъминлаш;

- иккиламчи шўрланиш жараёни рўй бермаслигини таъминлаш мақсадида сизот сувлари минерализацияси 2,5 г/л дан юқори бўлмаслиги аниқланди.

2. Ғўзани субиригация суғориш технологиясида суғориш тупроқнинг сув-физик хоссаларига яхши таъсир этди. Тажрибаларда тупроқнинг 0-100 см қатлами ҳажмий оғирлик вегетация бошида 1,44 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлган бўлса, вегетация охирида назорат вариантыда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 1,49 г/см<sup>3</sup> га, субиригация усулида суғорилган вариантда 1,47 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 0,02 г/см<sup>3</sup> га кам зичлашди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги вегетация бошида 6 соат давомида 687,4 м<sup>3</sup>/га ёки 0,190 мм/мин ни ташкил этган бўлса, вегетация охирида назорат вариантыда 592,3 м<sup>3</sup>/га ёки 0,164 мм/мин га тенг бўлди. Субиригация усулида ғўза етиштирилган далада тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 615,6 м<sup>3</sup>/га ёки 0,171 мм/мин га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 23,3 м<sup>3</sup>/га ёки 0,007 мм/мин га юқори бўлишига эришилди.

3. Ғўзани субиригация суғориш технологиясида асосида суғорилганда тупроқнинг туз режимига ҳам назорат вариантыга нисбатан ижобий таъсир этди. Тупроқнинг 0-100 см қатламида куруқ қолдиқ миқдори вегетация бошида 0,267 % бўлган бўлса, вегетация охирида назорат даласида куруқ қолдиқ миқдори 0,416 % га, мавсумий туз тўпланиш коэффициенти 1,60 га тенг бўлган бўлса, субиригация усулида ғўза етиштирилган далада куруқ қолдиқ 0,378 % га, мавсумий туз тўпланиш коэффициенти назоратда 1,42 га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан куруқ қолдиқ 0,38 % га, мавсумий туз тўпланиш коэффициенти эса 0,18 га камайтиришга эришилди.

4. Ғўзани субирригация суғориш технологиясида суғориш натижасида тупроқда мақбул мелиоратив режим таъминланганлиги ҳисобига ғўзани ўсиши ва ривожланиши яхши бўлиб, унинг ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан 4,5-5,7 ц/га ошиб, 38,3-39,6 ц/га га тенг бўлди ҳамда мавсумий суғориш меъёри 4870-5064 м<sup>3</sup>/га га тенг бўлиб, дарё сувларини 935-1179 м<sup>3</sup>/га иқтисод қилиш имконияти яратилди.

5. Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқлим шароитини ҳисобга олиб, зовурларнинг лойиҳалаш асосларини қайта кўриб чиқиш, яъни лойиҳаларда кўрсатилганидек, сизот сувлари сатҳини 3,0 м тушириш тушунчаси техник ва иқтисод жиҳатдан мақбул эмас. Бунинг ўрнига максимал ҳосилдорликни олишни таъминловчи «ер ости сизот сувлари сатҳини мақбул жойлашиши» бўйича оптимал вариант ишлаб чиқилди.

6. Ғўзани субирригация суғориш технологиясида суғоришнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш олиндиган соф фойда 923500 сўм/га ни ва рентабеллик даражаси 28,9 % ни ташкил этиб, назоратга нисбатан соф фойда 1146900 сўм/га га ва рентабеллик даражаси 30,8.% га юқори эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУРЛИБАЕВ ЗАКИР ТЕМИРХАНОВИЧ**

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕТОДА СУБИРРИГАЦИИ ХЛОПЧАТНИКА В  
УСЛОВИЯХ ГИДРОМОРФНЫХ ПОЧВ РЕСПУБЛИКИ  
КАРАКАЛПАКСТАН**

**06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент–2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/T1493**

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете им. Бердаха

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: [www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz) и образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Қурбанбаев Ережеп**

доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Икрамов Рахимжон Каримович**

доктор технических наук, профессор

**Матякубов Бахтияр Шамуратович**

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39. тел/факс Тел.: (+99871) 237-19-61; (+99871) 237-22-09, факс: (99871) 237-54-59. e-mail: [admin@tiiame/uz](mailto:admin@tiiame/uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № \_\_\_ ) (Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. Тел. (+99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Т.З.Султанов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.А.Янгиев**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**М.Х.Хамидов**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире увеличение эффективности использования воды и применения водосберегающих оросительных методов при орошении сельскохозяйственных культур занимает одно из ведущих мест. Улучшение мелиоративного состояния земель в развитых странах и экономия речной воды за счет использования дополнительных источников воды при орошении сельскохозяйственных культур требует широкого внедрения в практику технологий и ирригационных мероприятий, позволяющих повысить получаемую урожайность сельскохозяйственных культур. В связи с этим важное значение имеет использование дополнительно слабо минерализованных коллекторно-дренажных вод помимо основного источника воды при орошении сельскохозяйственных культур.

В мире проводятся научно-исследовательские работы направленные на разработку новых научно-технических решений водосберегающих технологий и технических средств для применения субирригации в целях эффективного использования сточных вод при орошении сельскохозяйственных культур. В связи с этим особое внимание уделяется проведению исследований направленных на применение субирригации сельскохозяйственных культур для смягчения дефицита воды в условиях гидроморфных почв.

В настоящее время в республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, управлению мелиоративным режимом, внедрению водосберегающих технологий и эффективному использованию водных ресурсов, повышению безопасности и надежности водохозяйственных объектов, а также достигаются определенные результаты. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи по «... дальнейшему улучшению мелиоративного состояния земель, развитию объектов мелиоративных и ирригационных сетей»<sup>1</sup>. Для осуществления данных задач, в том числе, важное значение имеет проведение научных исследований направленных на совершенствование методов безопасной и надежной работы коллекторно-дренажных сетей при орошении сельскохозяйственных культур, нахождение дополнительных источников воды в условиях нарастающего дефицита воды в последующие годы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Указе Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года за №-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 27 ноября 2017 года за № ПП-3405 «О государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2018-2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

